

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг
ФАРМОНИ

«ЧОРВОҚ» ЭРКИН ТУРИСТИК ЗОНАСИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Тошкент вилоятининг туристик салоҳиятини янада ривожлантириш ҳамда ундан фойдаланиш самардорлигини ошириш, ҳудудга хорижий ва маҳаллий туристларни кенг жалб қилиш учун қўлай шароитлар яратиш, замонавий инфратузилмани жадал ривожлантиришни таъминлаш, кўрсатилаётган туристик, меҳмонхона ва транспорт хизматларини кенгайтириш ва сифатини ошириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, Тошкент вилояти ҳокимлиги, "Энергия тежаш миллий компанияси" АЖ, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг (кейинги ўринларда – Ўзмиллийбанк):

Тошкент вилоятининг Чимён-Чорвоқ курорт-рекреация зонаси чегараси доирасида "Чорвоқ" эркин туристик зонасини (кейинги ўринларда – эркин туристик зона) ташкил этиш;

эркин туристик зона ҳудудида замонавий меҳмонхона мажмуалари, маданий-соғломлаштириш, савдо-қўнғилочар ва туристик аҳамиятдаги бошқа объектлар қуриш, шунингдек, замонавий муҳандислик инфратузилмаси объектларини ташкил этиш тўғрисидаги тақлифларига розилик берилсин;

2. Қуйидагилар эркин туристик зонанинг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари этиб белгилансин:

эркин туристик зонада замонавий туризм инфратузилмаси объектлари (меҳмонхона мажмуалари, маданий-соғломлаштириш, савдо-қўнғилочар ва туристик аҳамиятдаги бошқа объектлар), туристларга хизмат кўрсатиш учун зарур шароитларни таъминлаган ҳолда махсус функционал ва мавсумий рекреация дам олиш зоналарини яратиш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш учун хорижий ва маҳаллий инвесторларнинг инвестицияларини жалб қилиш;

ҳудуднинг экомужити имкониятларини ҳисобга олган ҳолда ўзига хос туристик йўналишларни ташкил этиш;

транспорт воситаларининг арзонлигини таъминлаш, ҳудудда транспорт ҳаракатининг янги (поезд, электропоезд, автобус), шу жумладан, муқобил энергия манбаларида ҳаракатланувчи турларини жорий этиш, йўловчи транспорти йўналишларини кенгайтириш, унинг тўхтовсиз ҳаракатини ташкил этиш, тегишли транспорт инфратузилмасини ривожлантириш;

туристлар хавфсизлигининг қўшимча шароитларини, шу жумладан, туристик инфратузилма объектларини видеокузатув тизимлари билан жиҳозлаш, оғоҳлантириш тизимларини ташкил этиш, минтақа ҳудудига келувчи туристлар ҳақида ягона маълумотлар базасини, фавқулодда ҳолатларда тез ёрдам бериш тизимини жорий этиш йўли билан яратиш;

эркин туристик зона ҳудудида лойиҳаларни амалга ошираётган ва фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектлари ҳамда инвесторлар (шу жумладан, хорижий инвесторлар) учун белгиланган алоҳида божхона ва солиқ режимларини таъминлаш;

энергиянинг муқобил ва қайта тикланадиган манбаларини қўллаган ҳолда янги замонавий энергия тежовчи тизимлар ва технологияларни синов тариқасида жорий қилиш асосида ўзига хос экологик тизимни яратиш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш.

3. Белгилансинки:

эркин туристик зона эркин иқтисодий зона ҳисобланади;

эркин туристик зона ва эркин туристик зона иштирокчилари сифатида рўйхатга олинган тадбиркорлик субъектларига эркин иқтисодий зоналар тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг қоидалари, шу жумладан, эркин иқтисодий зоналар ва улар иштирокчилари учун назарда тутилган барча имтиёз ва преференциялар татбиқ этилади;

эркин туристик зонанинг фаолият кўрсатиш муддати кейинчалик узайтириш имконияти билан 30 йилни ташкил қилади.

4. Тошкент вилоятининг эркин иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналари маъмурий кенгаши (кейинги ўринларда – маъмурий кенгаш) зиммасига эркин туристик зона бўйича маъмуриятчилик функциялари юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси вакили ҳамда Тошкент вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги Туризмни ривожлантириш департаменти директори маъмурий кенгаш таркибига киритилсин.

5. Тошкент вилояти ҳокимлиги маъмурий кенгаш, Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси ҳамда Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси билан биргаликда бир ой муддатда ташкил этилаётган эркин туристик зонанинг аниқ чегараларини белгилансин.

Белгилансинки, эркин туристик зона Чимён-Чорвоқ курорт-рекреация зонаси доирасида яхлит ҳудуд кўринишида, шунингдек, алоҳида ҳудудлар кўринишида белгиланиши мумкин.

Давоми 2-бетда.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 25 йиллигига

ВАТАН РАВНАҚИ ВА ХАЛҚ ФАРОВОНЛИГИНИНГ МУСТАҲКАМ АСОСИ



Олмалиқ шаҳридаги "Металлург" маданият саройида мазкур сана муносабати билан ташкил этилган тантанали тадбирда вилоят фаоллари, вилоят кенгаши депутатлари, ҳуқуқ-тартибот идоралари вакиллари, халқ ҳўжалиги тармоқлари, ишлаб чиқариш, ижтимоий соҳалар илғорлари, иқтидорли ёшлар жамулам бўлдилар.

Маросим қатнашчиларини вилоят ҳокими вазифасини бажарувчи Ғуломжон Ибрагимов миллий давлатчилигимиз асоси, ҳуқуқ ва эркинликларимизнинг мустаҳкам қалолати бўлган Бош Қомусимиз қабул қилинганининг 25 йиллиги билан қизгин ва самимий муборакбод этди.

Ўзбекистон Республикасининг давлат мадҳияси янгради. Барчамизга яхши аёнки, мустақил тараққиёт йилларида Конституциямиз юртимизда ҳуқуқий демократик давлат, кучли фуқаролик жамияти, эркин бозор муносабатлари ва ҳусусий мулк устуворлигига асосланган иқтисодиётни қуриш, халқимиз учун тинч, обод ва фаровон

ҳаёт барпо этиш, Ўзбекистоннинг халқаро майдонда муносиб ўрин эгаллашда мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилмоқда.

Бош Қомусимиз Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ва бошқа асосий халқаро ҳужжатлар таллабларига тўла мос ҳолда, инсон ва фуқароларнинг шахсий ҳуқуқ ва эркинликлари, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқларини қалолатлаб берди. Мамлакатимиз – ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва ҳарбий салоҳияти юксалишига, ҳаётимизнинг барча соҳаларида амалга

оширилган самарали ислохотларга асос бўлди. Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 20 июндаги "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг йигирма беш йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармойиши Асосий Қонунимизга юксак эътибор намунаси бўлиши билан бирга, уни янада пухта ўрганиш, тарғиб этишга оид ишларни янги босқичга қтарди.

– Бугун дунёнинг жуда

кўп минтақаларида сиёсий низо ва қонли тўқнашулар, манфаатлар кураши тобора кескин тус олаётган, қурраи заминга терроризм, экстремизм, гиёҳвандлик каби жирканч иллатлар жиддий хавф солиб турган мураккаб ва таҳликали бир шароитда серкуёш диёримизда тинчлик ва осойишталик, ўзаро меҳр-оқибат ва ҳамжихатлик муҳити барқарор эканини катта мамнуният ва шукроналик билан тилга олишимиз табиийдир, – дейди "Маҳалла" хайрия жамоат фонди Бўка тумани

ни бўлими бошқаруви раиси, "Шухрат" медали нишондори Раҳмон Саидов. – Бугунгидек мунавар кунларда халқимиз эришган ютуқ ва марраларни ҳар тарафлама таҳлил қилиб, ислохотларнинг янги босқичига қадам қўётган эканмиз, ютуқларга маҳлиё бўлмай, халқимиз дарду ташвишларини теранроқ англаш, жойларда ечимини кутиб ётган кўпгаб муаммо ва масалаларга биргаликда ечим излаш ҳар жиҳатдан тўғри йўлдир.

Давоми 2-бетда.

2017 йил – Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили

«БАЙРАМНИ ЯНГИ УЙДА НИШОНЛАЙМИЗ»

Олмалиқ шаҳридаги Ибн Сино маҳалласида янги қурилган иккита етти қаватли тураржой соҳиблари шундай дейишмоқда

Эркинлик ва озодлигимизнинг мустаҳкам пойдевори бўлган Бош Қомусимиз – Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 25 йиллиги арафасида ўтказилган ушбу уйлари фойдаланишга топшириш маросимида 84 оила вакиллари барча қулайликларга эга замонавий хонадонлар қалитларини қабул қилиб олди.



Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар халқ манфаати, одамлар розилиги, бахтли, фаровон ва тўқис ҳаёт кеңиришини таъминлашга қаратилган билан аҳамиятлидир. Президентимиз Шавкат Мирзиёев аҳолини ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, ҳусусан, одамларни замонавий, арзон уй-жойлар билан таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратмоқда.

Давлатимиз раҳбари вилоятимизга қилган ташрифи чоғида Олмалиқ шаҳрининг бош режаси асосида амалга оширилаётган қурилиш ва ободонлаштириш лойиҳалари билан танишар экан, уй-жойга бўлган эҳтиёжни ҳисобга олиш зарурлигини алоҳида таъкидлаган эди.

Ўтган вақт мобайнида берилган кўрсатмалар асосида бир қатор ишлар амалга оширилди. Ҳусусан, шаҳарнинг Ибн Сино кўчасида етти қаватли ўн та уй қурилиши режалаштирилиб, ишга киришилди. Фойдаланишга топширилган уйлар ана шу ўн та уйнинг дастлабки иккитасидир.

Давоми 3-бетда.

Тўртинчи ҳокимият

Вилоят босма оммавий ахборот воситалари вакилларининг навбатдаги анъанавий семинари бўлиб ўтди.

АНЪАНАВИЙ АНЖУМАН САБОҚЛАРИ

Вилоят Матбуот ва ахборот бошқармаси, Журналистлар ижодий уюшмаси вилоят бўлими, "Олмалиқ кон-металлургия комбинати" матбуот хизмати билан ҳамкорликда ташкил этилган анжуманда вилоят, туман ва шаҳар газеталари муҳаррирлари, вилоятдаги ноширлик ва маъбаачилик корхоналари мутасаддилари, соҳа мутахассислари иштирок этишди.

Тадбирда сўз олган Республика Матбуот ва ахборот агентлиги Бош директори Л. Тангриев, вилоят ҳокимлиги ахборот хизмати раҳбари О. Мусурмонқулов ва бошқалар мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маънавий-маърифий ислохотлар мазмун-моҳиятини, шунга мувофиқ қабул қилинаётган қонунлар, фармон ва қарорларнинг жойларга етиб боришини таъминлашда оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва аҳамияти бекиёс эканини таъкидлаб, бу жараён ижодкорлардан тезкорлик, ҳолислик билан бир қаторда фидойилик, касбий маҳорат ҳамда тажриба талаб этишини ургутди.

Бинобарин, Президентимиз Шавкат Мирзиёев шу йилнинг 3 август кунини Ўзбекистон ижодкор журналистлар билан ўтказган учрашувда бугунги шиддаткор ахборот асрида оммавий ахборот воситаларининг жамиятда тутган ўрни ва мавқеини оширишга алоҳида эътибор қаратиб, соҳа ходимлари олдида турган бир қатор муҳим ва устувор вазифаларга тўхталиб ўтган эди.

Семинар иштирокчилари мазкур вазифалардан келиб чиқиб, вилоят матбуоти олдида турган муаммолар билан бирга эришилаётган ютуқларни атрофлича таҳлил ва муҳокама чигиринида ўтказдилар. Тахририятларда тўпланяётган ижодий тажрибалар, ибратли ташаббуслар билан ўртоқлашдилар.

Анжуман "Олмалиқ кон-металлургия комбинати" муассислигидаги "За цветные металлы" газетасининг 60 йиллигига бағишланган байрам маросимига уланиб кетди.

Газетанинг фаол ижодкорларига матбуот соҳасидаги кўп йиллик самарали хизматлари учун Республика Матбуот ва ахборот агентлиги ҳамда унинг вилоят ҳудудий бошқармасининг фахрий ёрлиқлари топширилди.

Алишер РАҲМАТОВ.

ЭЪТИБОР, ЭЪЗОЗ, САХОВАТ

Мамлакатимизда аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлами, ҳусусан, ногиронлиги бўлган шахсларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, муносиб ҳаёт тарзи ва турмуш даражасига эга бўлишлари учун зарур шарт-шароит яратиш масалалари бугун ҳар қачонгидан ҳам долзарб аҳамият касб этмоқда.

Инсон ўзинг...

Боиси, ногиронлиги бўлган шахслар, жисмоний имконияти чекланган фуқароларни мамлакат раҳбарининг ўзи ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватламоқда, ижтимоий фаолликка, ҳаёт неъматларидан баҳра олиб яшашга

чорламоқда. Шу орқали бундай инсонлар ўз ортида давлат турганини, Ватан ҳамиша ўз фарзандлари тақдирига қайғуришини ҳис қилиб яшайдилар. Жамиятда ҳазрати инсоннинг шаъни, у қандай шароит ва ва-

зиятда бўлишдан қатъи назар – қадриятимизга эъзозда бўлади. Шахсининг конституциявий ҳуқуқ ва эркинлиги ҳам таъминланади. Бинобарин, айтиш соҳада муҳтарам Президентимиз амалга ошираётган ислохотлар-

нинг мазмун-моҳияти ана шунда...

Халқаро ногиронларни ҳимоя қилиш кўни муносабати билан Пискент туманидаги муҳташам "Нурнигор" тантаналар мажмуида ўтказилган тадбирда юқоридаги мулоҳазалар қайта ва қайта таъкидланди. Вилоят ҳокимлиги ва бошқа ташкилотлар биргаликда ўтказган мазкур тантанали кеча меҳр ва оқибат айёмига айланаб кетди.

Меҳр ва саховат

Беҳзод ҚОБУЛОВ,
"Тошкент ҳақиқати"
муҳбири.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

«ЧОРВОҚ» ЭРКИН ТУРИСТИК ЗОНАСИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

6. Вазирлар Маҳкамаси икки ойлик муддатда эркин туристик зонага кирувчи ҳудудлар чегараларини белгилаш, шунингдек, "Чорвоқ" эркин туристик зонаси Дирекциясини тузиш ва унинг фаолиятини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилсин.

7. Куйидагилар:
эркин туристик зонанинг бош режасини ишлаб чиқиш, шунингдек, йўл-транспорт ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмаларини қуриш ва реконструкция қилиш бўйича буюртмачи этиб – Тошкент вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги "Ягона буюртмачи хизмати" инжиниринг компанияси;

энергиянинг қайта тикланадиган манбаларидан (күёш, шамол, геотермал) фойдаланган ҳолда муҳандислик инфратузилмаси объектларини ташкил этиш, шунингдек, эркин туристик зонанинг экологиясини сақлаш учун замонавий тозалаш иншоотлари ва иссиқлик билан таъминлаш объектларини қуриш бўйича бош лойиҳа, бош пудратчи ва фойдаланувчи ташкилот этиб – "Энергия техаш миллий компанияси" АЖ; эркин туристик зонанинг бош режаси ва ҳудуднинг батафсил режалаштириш лойиҳасини ишлаб чиқиш бўйича бош лойиҳа ташкилоти этиб – "Тошкент-бошлангити" ДУК белгилансин.

8. "Тошкентбошлангити" ДУК олти ой муддатда халқаро маслаҳатчиларини жалб қилган ҳолда эркин туристик зонанинг бош режаси ва ҳудуднинг батафсил режалаштириш лойиҳасини ишлаб чиқсин ҳамда маъмурий кенгаш билан келишилган ҳолда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тасдиқлаш учун киритсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги:

Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, Тошкент вилояти ҳокимлиги, "Энергия техаш миллий компанияси" АЖ ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда уч ой

◀▶ Бошлангити 1-бетда.

муддатда Вазирлар Маҳкамасига Эркин туристик зона ҳудудига йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ишлаб чиқариш инфратузилмаларини ривожлантириш дастурини тасдиқлаш учун киритсин;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси билан биргаликда ҳар йили келгуси йил учун Ўзбекистон Республикасининг Инвестиция дастурлари параметрларини шакллантиришда эркин туристик зонанинг бош режаси ва ҳудуднинг батафсил режалаштириш лойиҳасини ишлаб чиқиш учун ҳақ тўлаш, эркин туристик зонанинг ишлаб чиқилган ва белгиланган тартибда тасдиқланган бош режаси асосида эркин туристик зонанинг транспорт, ишлаб чиқариш ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини ривожлантириш учун капитал қўйилмалар лимитларини ҳамда зарур марказлаштирилган инвестициялар ажратилишини назарда тутсин;

Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, маъмурий кенгаш билан биргаликда бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига эркин туристик зонада амалга ошириш ва жойлаштириш учун лойиҳаларни таллаш мезонлари бўйича тақлифлар киритсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси (кейинги ўринларда – Жамғарма) эркин туристик зонада амалга ошириладиган инвестиция лойиҳаларини биргаликда молиялаштириш учун 100 миллион АҚШ доллари миқдорида имтиёзли кредит линияси очилишини таъминласин.

Белгилансинки:

Жамғарма томонидан ажратиладиган кредит линияси маблағларини қайта молиялаштириш Ўзмилий-банк, "Ўзсанотқурилишбанк" АТБ ва "Асака" АТБ томонидан амалга оширилади; кредит линияси доирасида хорижий валютадаги кредитлар 2 йиллик имтиёзли давр, 2 фоиз қўшилган 6 ойлик ЛИБОР ва банкнинг 0,5 фоиз миқдоридаги маржасига тенг бўлган, фоиз ставкаси билан 7 йилгача муддатга тақдим этилади;

Жамғарма кредит линияси маблағлари замонавий импорт жиҳозлари ва технологияларини харид қилиш учун инвестиция лойиҳаси қийматининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган суммада ажратилади.

11. Ўзмилийбанк, "Ўзсанотқурилишбанк" АТБ ва "Асака" АТБга:

эркин туристик зона ҳудудига амалга ошириладиган инвестиция лойиҳаларида 100 фоизгача банк улуши билан, шу жумладан, банкларнинг тегишли инвестиция компаниялари орқали иштирок этиш;

амалга оширилаётган инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш учун Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси билан биргаликда халқаро молиявий институтлар, хорижий банклар ва бошқа инвесторлар – юридик ва жисмоний шахслар (шу жумладан, хорижий), давлат ва нодавлат жамғармалар, корхона ва ташкилотларнинг грантлари, кредит линиялари ва инвестицияларини, бегараз молиявий ёрдамларини ҳамда тижорат банкларининг кредитларини жалб қилиш ҳуқуқи берилсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Ички ишлар вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда эркин туристик зона ҳудудига интеллектуал транспорт, геоинформация тизими ва бошқа шу қабиларни назарда тутувчи хавфсиз туризмни таъминлаш концепциясини жорий этиш бўйича тақлифлар киритсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги икки ойлик муддатда туристларга сифатли тиббий хизмат кўрсатиш, шу жумладан, тез ва шошилиш тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқсин, бунда эркин туристик зонанинг тиббиёт муассасалари, хусусан, соғлиқни сақлаш тизимининг бирламчи бўғини муассасалари билан таъминланишига, уларнинг замонавий жиҳозлар ва юқори малакали кадрлар билан тўлдирилишига алоҳида эътибор қаратсин.

14. Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти

агентлиги "Ўзбекистон темир йўллари" АЖ ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ойлик муддатда Вазирлар Маҳкамасига Тошкент – Чимён-Чорвоқ курорт-рекреация зонаси (ва ортга) йўналиши бўйича, зарур ҳолда янги қулай йўналишларни жорий этган ҳолда, комбинациялашган йўловчи ташиш тизимини янада ривожлантириш бўйича тақлифлар киритсин.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 21 апрелдаги ПҚ-2916-сон қарори билан ташкил этилган Чикиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш тизимини мувофиқлаштириш ва тақомиллаштириш бўйича Республика комиссияси Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси билан биргаликда маиший чикиндиларни эркин туристик зона ҳудудидан энг яқин чикиндиларни қайта ишлаш корхоналарига олиб чиқиб кетиши тизимли равишда ташкил этиш бўйича чоралар кўрсин.

16. Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси Тошкент вилояти ҳокимлиги, Ўзмилийбанк билан биргаликда икки ой муддатда:

Чорвоқ эркин туристик зонасини янада ривожлантириш концепцияси лойиҳасини ва уни амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқсин ҳамда уларни маъмурий кенгаш ва бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан келишилган ҳолда Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгаришлар ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

17. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари С. Р. Холмуродов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2017 йил 5 декабрь

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Чорвоқ» эркин туристик зонасини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармонига шарҳ

Ўзбекистон Республикасида иш ўринлари яратиш, иқтисодиётни диверсификация қилиш, ҳудудларни жадал ривожлантириш, валюта тушумлариини кўпайтириш, аҳоли даромадлари ва турмуш даражасини ошириш каби энг муҳим ижтимоий-иқтисодий вазифаларни яқин истибқолда ҳал қилиш учун кенг салоҳиятга эга бўлган туризм соҳасини ривожлантириш борасида изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Тошкент вилояти улкан туристик салоҳиятга эга. Чўнончи, ҳудудда экстремал ва тоғ туризмни, яъни чаналарда учини, сноубординг, параванда ва дельтапланда учини, велоспорт, мотоспорт ва экстремал спорт турлари ҳамда экологик ва қишлоқ ҳўжалик туризмни ривожлантиришга табиий шaroитлар бор.

Хусусан, Тошкент вилояти тоғларида Чорвоқ сув омбори мавжуд бўлиб, унинг соҳилида қўлаб пансионатлар, дам олиш зоналари ва болалар спорт соғломлаштириш лагерлари жойлашган. Мухташам гарбий Тянь-Шань тоғлари қўлаб туристик йўллар ва йўлаклар, шаршаралар, горлар, чуқурликлар, ёнғоқзорлар ва боғлар 2016 йили ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон рўйхатига киритилган. Бундан ташқари, "Угом-Чотқол" миллий боғи 230 турдаги ҳайвонлар, 1800 ўсимлик турлари ва 4 та табиий қўлларни (Урунган, Бодак, Шовури, Ихнож) ўз ичига олади.

Бугунги кунда вилоятда маҳаллий ва хорижий туристларга хизмат кўрсатувчи жами 120 та корхона фаолият кўрсатмоқда: улардан 15 таси туристик операторлар, қунига 2440 та туристга хизмат кўрсатиш имкониятига эга бўлган 45 меҳмонхона, 71 санаторий ва дам олиш масканлари. Туризм хизматлари экспортнинг жами 44,6 миллион АҚШ доллариини ташкил этади, бу эса ўсишнинг 109,2 фоизини ташкил этади.

Шунга қарамай, минтақанинг йирик туристик салоҳияти ва табиий ресурслари ҳисобга олинса, бу кўрсаткични қониқарли деб бўлмайди, яъни тураржойлар, санаторийлар ва дам олиш масканларини жойлаштириш учун етарлича маблағлар мавжуд эмас, туристик инфратузилмалар ривожланиш ва туристларга кўрсатилаётган хизматлар сифати паст, шунингдек, уларнинг турлари сони чекланган.

Шу билан бирга, Тошкент вилоятидаги туризм соҳаси бугунги ҳолатининг таҳлили туристларнинг арзон ва сифатли дам олиш

эҳтиёжларини тўлароқ қондириш учун мазкур соҳани янада ривожлантириш бўйича самарали чораларни қабул қилиш лозимлигини кўрсатмоқда.

Шу муносабат билан Тошкент вилоятининг туристик салоҳиятидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ва ривожлантириш, транспорт-коммунал инфратузилма объектлари комплексини ва янги туристик йўналишларни шакллантирилган ҳолда Чимён-Чорвоқ рекреация ҳудудига замонавий инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш йўли билан дам олиш ва туризм учун шaroитларни яхшилаш, шунингдек, туристик хизматлар сифатини ошириш, унинг асосида янги иш ўринлари яратиш ва аҳолининг даромадлари ўсишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Чорвоқ" эркин туристик зонасини ташкил этиш тўғрисида"ги Фармони қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Чорвоқ" эркин туристик зонасини ташкил этиш тўғрисида"ги Фармонининг қабул қилиниши туризм соҳасидаги давлат сиёсатининг мантқий давоми ҳисобланади ва Тошкент вилоятининг туристик салоҳиятидан фойдаланиш самарадорлигини ривожлантириш ва оширишга қаратилган.

Тошкент вилоятининг ўзига хос курорт-рекреация шaroитларини ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони билан замонавий меҳмонхона мажмуаларини, маданият-соғломлаштириш, савдо-кўнгилолчар ва туристик аҳамиятдаги бошқа объектларни қуриб, шунингдек, замонавий муҳандислик инфратузилмасини яратган ҳолда Чимён-Чорвоқ рекреация ҳудудига "Чорвоқ" эркин туристик зонасини ташкил этиш назарда тутилмоқда.

Ўзбекистоннинг потенциал фойдали туризм санoати ҳозирги вақтда меҳмонхоналар қурилиши ва деярли барча замонавий инфраструктура учун инвестицияларнинг етишмовчилиги, шунингдек, туристларни жалб қилиш ва чет элда дам олишни афзал кўрадиган фуқароларни ички туристик бозорга қайта йўналтириш учун зарур бўлган хизмат кўрсатиш даражасининг пастлиги билан боғлиқ муаммоларга дуч келаётганлиги сабабли эркин туристик зонани яратиш давлат аҳамиятидаги масалага кўтарилди.

Ташкил этилаётган "Чорвоқ" эркин туристик

зонаси Ўзбекистондаги шу каби зоналар ичида биринчи ва ягоналиги боис, эркин туристик зоналар мамлакатимиз учун инновация характерига эга ҳисобланади.

Фармон билан "Чорвоқ" эркин туристик зонасининг асосий вазифа ва фаолият йўналишлари этиб қуйидагилар белгиланмоқда:

эркин туристик зонада замонавий туризм инфраструктураси объектлари (меҳмонхона мажмуалари, маданият-соғломлаштириш, савдо-кўнгилолчар ва туристик аҳамиятдаги бошқа объектлар)ни, туристларга хизмат кўрсатиш учун зарур шaroитларни таъминлаш ҳолда махсус функционал ва мавсумий рекреацион дам бўлиш зоналарини яратиш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш учун хорижий ва мамлакатимиз инвесторларининг инвестицияларини жалб қилиш;

ҳудуднинг экомuҳити имкониятларини ҳисобга олган ҳолда ўзига хос туристик йўналишларни ташкил этиш;

транспорт воситаларининг арзонлигини таъминлаш, ҳудудда транспорт ҳаракатининг янги (поезд, электропоезд, автобус), шу жумладан, муқобил энергия манбаларида ҳаракатланувчи турларини жорий этиш, йўловчи транспорт ҳаракатининг йўналишларини кенгайтириш, уларнинг тўхтовсиз ҳаракатини ташкил этиш, тегишли транспорт инфраструктурасини ривожлантириш; туристлар хавфсизлиги қўшимча шaroитларини, шу жумладан, туристик инфратузилма объектларини видеокузатув тизимлари билан жиҳозлаш, оғохлантириш тизимларини ташкил этиш, зона ҳудудига келувчи туристлар ҳақида ягона маълумотлар базасини, фавқулодда ҳолатларда тез ёрдам бериш тизимини жорий этиш йўли билан яратиш;

эркин туристик зонада лойиҳаларни амалга ошираётган ва фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектлари ва инвесторлар (шу жумладан, хорижий инвесторлар) учун белгиланган алоҳида божхона ва солиқ режимларини таъминлаш;

муқобил ва қайта тикланадиган манбаларни қўллаган ҳолда янги замонавий энергия тежовчи тизимлар ва технологияларни синoв тариқасида жорий қилиш асосида ўзига хос экологик тизимни яратиш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш;

Туризм инфратузилмаси объектларини, дам олишни ва туристик хизматларни ри-

вожлантириш учун ташкил этиладиган эркин туристик зоналар эркин иқтисодий зоналарнинг бир тури эканлигини ҳисобга олиб;

"Чорвоқ" эркин туристик зонасининг фаолият кўрсатиш мuddати кейинчалик ўзайтириш имконияти билан 30 йил этиб белгиланди;

эркин туристик зонага ва зона иштирокчилари сифатида рўйхатдан ўтган тадбиркорлик субъектларига эркин иқтисодий зоналар тўғрисидаги қонунчилик қондалари, жумладан, эркин иқтисодий зоналар ва уларнинг иштирокчилари учун назарда тутилган барча имтиёз ва афзалликлар таъбиқ этилди;

Эркин туристик зонанинг яратилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 25 октябрдаги ПҚ-3356-сон "Эркин иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналари фаолияти самарадорлигини ошириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори билан ташкил этилган Тошкент вилоятида эркин иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналарининг маъмурий кенгаши таркибига Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг вакили ва Тошкент вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги Туризмни ривожлантириш департаментининг директори киритилди.

Фармонда ваколатли вазирлик ва идораларга эркин туристик зонани ривожлантириш бўйича қуйидаги чора-тадбирларни амалга оширишга қаратилган бир қатор топшириқлар назарда тутилган:

эркин туристик зона ҳудудига хавфсиз туризмни таъминлаш концепциясини, шу жумладан, интеллектуал транспорт, геоахборот тизими ва бошқаларни жорий этиш бўйича тақлифларни киритиш;

эркин туристик зонани тиббиёт муассасалари билан таъминлашга, соғлиқни сақлаш тизимининг бирламчи бўғини муассасалари, уларнинг замонавий жиҳозлар ва юқори малакали кадрлар билан таъминланганлигига асосий эътибор қаратган ҳолда туристларга сифатли тиббий хизмат, шу жумладан, шосселинч ва кечиктириб бўлмайдиган тиббий ёрдам бўйича чора-тадбирлар комплексини ишлаб чиқиш;

Тошкент – Чимён-Чорвоқ курорт-рекреация зонаси маршрути (ва ортга) бўйича комбинациялашган йўловчи ташув тизимини янада ривожлантириш, зарурат бўлган

да янги қулай йўналишларни жорий этиш бўйича тақлифларни киритиш;

эркин туристик зона ҳудудидан маиший чикиндиларни тизимли асосда уларни қайта ишлайдиган яқин корхоналарга олиб чиқиб кетиш бўйича чора-тадбирларни қабул қилиш;

"Чорвоқ" эркин туристик зонасини янада ривожлантириш Концепцияси лойиҳасини, шунингдек, уни амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар режасини киритиш.

Фармоннинг энг муҳим жиҳатларидан яна бири унинг эркин иқтисодий зона ҳудудига инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун қулай шaroитлар яратишга қаратилганлиги ҳисобланади. Шу мақсадда, Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасига кредит ва фоизларни ўзиининг қулай шaroитларини тақдим этишни ўз ичига олувчи 100 миллион АҚШ доллари миқдоридаги имтиёзли кредит линиялари очилиши таъминлаш топширилган.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкига, "Ўзсанотқурилишбанк" АТБ ва "Асака" АТБга:

эркин иқтисодий зона ҳудудига амалга ошириладиган инвестиция лойиҳаларида банкларнинг, шу жумладан, банкларнинг тегишли инвестиция компаниялари орқали 100 фоизгача иштирок этиш;

Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси билан биргаликда халқаро молия институтлари, хорижий банклар ва бошқа инвесторларнинг – юридик ва жисмоний шахсларнинг (шу жумладан, хорижий юридик ва жисмоний шахсларнинг), давлат ва нодавлат фондларини, корхона ва ташкилотларнинг грантлари, кредит линиялари ва инвестициялари, бегараз молиявий ёрдамларини, шунингдек, амалга ошириладиган инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш учун тижорат банкларининг кредитларини жалб этиш ҳуқуқи берилмоқда.

Фармоннинг қабул қилиниши замонавий инфратузилмани изчил ривожлантириш, тақдим этиладиган туристик, меҳмонхона ва транспорт хизматлари сифатини ҳамда Чимён-Чорвоқ рекреация ҳудудига таширф буюраётган хорижий ва маҳаллий туристлар учун хизматлар даражасини яхшилаш мақсадида хорижий инвестицияларни жалб қилиш бўйича масалаларни ҳал этишни тезлаштиришга имкон беради.

ВАТАН РАВНАҚИ ВА ХАЛҚ ФАРОВОНЛИГИНИНГ МУСТАҲКАМ АСОСИ


Шу борада давлатимиз раҳбари, мухтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг: "Оддий одамлар бугунги кунда бўлаётган ўзгаришларни сезиши керак. Улар эртага эмас, бугун яхши яшашни ис-тайди. Уларга бугун яхши шaroит яратиб беришимиз керак", деган даъвати ҳаётимизнинг бош дастуриламчига ай-ланиши даркор.

Дарҳақиқат, поёнига етиб бораётган 2017 йил юртимизда "Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили" деб эълон қилиниши, миллий тараққиётимизнинг энг муҳим ва устувор йўналишларини ўзида акс эттирган "Харакатлар стратегияси"нинг ҳаётага изчил таъбиқ этилаётгани, барча даражадаги раҳбарларнинг шах-



сан маҳаллаларда бўлиб, одамлар қондонига кириб, мавжуд муаммоларни жойида хал қилишга интилиши, одамларимизнинг дардига қулоқ тутиши халқимизнинг руҳини кўтариб, эртанги кунга, давлатга, сиёсатга ишончини мустаҳкамламоқда. Энг муҳими, бу борадаги сайё-ҳаракатлар

халқ давлат идораларига эмас, балки давлат идоралари халқимизга сидқидилдан хизмат қилаётганининг амалдаги ифодаси бўлаётир. Бинобарин, халқимиз бугун шоду хуррамлик билан тантана қилаётган Асосий Қонунимизнинг 7-моддасида аниқ-тиниқ қилиб, "Халқ давлат ҳокимиятининг



бирдан бир манбаидир", деб ёзиб қўйилган. Унинг давомида эса, "Ўзбекистон Республикасида давлат ҳокимияти халқ манфаатларини қўлаб" иш тутиши қайд этилган. Ўрни келганда таъкидлаш лозимки, аини пайтда вилоятимиз ахли жуда масъулиятли, таъбир жоиз бўлса, тари-



хий жараёнларни бошдан кечирмоқда. Ўртбошимиз тақлифи ва ташаббуси билан пойтахт вилояти ҳам ўзининг маъмурий марказига эга бўлди. Эндиликда вилоят маркази сифатида янги Нурафшон шаҳрининг замонавий қиёфаси жаҳон архитектурасининг энг сўнгги ютуқлари асосида

шакллантирилаётганидан яхши хабардорсиз. Ишончимиз қомилки, Тошкент вилоятининг маркази бўлиши бу муаззам гўша ҳадемай мамлакатимизнинг энг гўзал, энг замонавий, энг тараққий этган шаҳарларидан бирига айланади. Бир-икки йил ичида вилоятимиз қиёфаси тубдан ўзгаради, янги, замонавий тураржойлар, ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш соҳаларининг қўп қаватли, салобатли бинолари вилоят марказига ҳақиқий замонавий шаҳар тусини бериб, одамларимизнинг турмуш фаровонлиги ошади, ҳаётимиз янада гўзал бўлади.

Хабарингиз бор, мамлакатимиз Истиқлолнинг қўлуг 26 йиллиги муносабати билан Президентимизнинг Фармонига биноан вилоятимизнинг 30 га яқин фидойи, меҳнаткаш

инсонлари – сизу бизнинг замонашларимиз давлатимизнинг юксак ордан ва медаллари билан тақдирланган эдилар. Ушбу мукофотлар айнан Конституция байрами муносабати билан ўз эгаларига топширилаётганида ҳам жуда қатта рамзий маъно бор.

Маросимда мазкур мукофотлар ўз соҳибларига тантанали суръатда топширилди.

Шу билан бирга, вилоятимиз фуқароларининг катта бир гуруҳига "Ўзбекистон Конституциясига 25 йил" эсдалик нишонлари топширилди.

Тантанали маросим сәнъат усталари ва ижрочи ёшлар иштирокидаги катта байрам дастури билан ниҳонсига етди.

Маросимда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари О. Раматов сўзга чиқди.

Ўз мухбиримиз.

Қобилжон ҒОҒУРОВ ва Мансур ХИММАТОВ олган суратлар.

◀▶ Бошлангити 1-бетда.



«БАЙРАМНИ ЯНГИ УЙДА НИШОНЛАЙМИЗ»

“Янги замон бино” масъулияти чекланган жамияти курувчилари томонидан бунёд этилган ушбу уй-жойлар яшаш учун ҳар томонлама қулай ва ушбу ҳудуд климига мослаштирилган. Ҳар бир хонадон янги типдаги иситиш тизими, иссиқ ва совуқ сув, газ, энергия ресурслари истеъмолини ҳисоблаш жиҳозлари билан таъминланган. Бинога шовкинсиз ҳаракатланувчи замонавий лифт ўрнатилди. Атрофдаги йўл ва йўллар таъмирланиб, автотураргоҳ ҳамда болалар

майдончаси барпо қилинди.
– Ўз уйимизга эга бўлганимиздан хурсандимиз, – дейди янги квартирага қўниб кирган Нигора Юзбоева. – Сир эмас, ҳар бир аёл ўз хонадонини, қулай шарт-шароитлар яратилган ошхонаси бўлишини истайди. Энди шундай имкониятлар мавжуд янги уйимизнинг шинам ошхонасида оиламиз учун мазали таомларни тайёрлайман. Орзуимиз ушалганидан кунончимиз чексиз. Конституция байрамини янги уйда нишонлайдиган бўлди.

– Олмалик бўйлаб да-

вом этаётган бунёдкорлик ишлари ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётини янги босқичга кўтармоқда, – дейди Ибн Сино маҳалла фуқаролар йиғини раиси Манзура Сабриева. – Шаҳримиз чиройига-чирой кўшаётган кўп қаватли тураржойларнинг

асосида берилиши барчани мамнун этмоқда. Лойиҳага кўра, бу ерда ҳали гипермаркет, мактабга таълим муассасаси, маданият ва истироҳат боғи ҳам қурилар экан.

Саноат ривожланган Олмалик шаҳри бугун бунёдкорлик, янгиланиш

кўплаб корхоналарнинг ишга туширилиши, қурилиш соҳасида амалга оширилаётган ишлар, аҳоли сонининг ўсиб бориши натижасида шаҳар ривожланиб бормоқда. 2035 йилгача мўлжалланган бош режага биноан, Олмаликнинг маъмурий ҳудуди 2 минг 600 гектардан 3,5 минг гектарга етказилади. Саноат ҳудуди шаҳар марказидан олиб чиқилиб, замонавий инфратузилмани такомиллаштириш, аҳоли учун қулай тураржойлар барпо этиш, кенг шароит яратиш кўзда тутилган. Хуллас, Олмалик Ватанимизнинг энг гўзал, замонавий шаҳарларидан бирига айланади.

Тантанали тадбирда иштирок этган вилоят ҳокими вазиасини бажарувчи Ғулмжон Ибрагимов янги квартиралар соҳибларини муборакбод этди.

Зоҳир ТОШҲҲАЕВ,
“Тошкент ҳақиқати” мухбири.
Қобилжон ҒОҒУРОВ ва
Мансур ҲИММАТОВ
олган суратлар.



барпо этилиши, уларни аҳоли, ёш оилаларга имтиёзли ипотека кредити

Таълим

Давлатимиз раҳбари Бекобод шаҳрига ташири чогиди “Пахтакор” маҳалласи фаоллари билан ҳам учрашган эди. Ана шу маҳалла ҳудудида жойлашган 5-умумтаълим мактаби ўзига хос салоҳиятга эга бўлган даргоҳлардан.

Кўнгли обод муаллимлар

Ушбу муассасадаги таълим-тарбия ишларининг кенг миқёсда омалаштирилаётгани шундай дейишимизга асос бўла олади.

Авалло, таъкидлаш жоиз, мактаб ҳудудида кириб борар экансиз, билим маскани ҳовлисида дид билан бунёд этилган сунъий қопламали спорт майдончаси, ота-оналар ва меҳмонлар учун ўзига хос хушманзара дам олиш жойи беихтиёр диққат-эътиборингизни тортади. Жамоа ташаббуси билан амалга оширилган ободончилик ишлари кўзни қувонтиради.

Демакки, ободлик, гўзаллик муҳассаси масканда, ҳеч бир шубҳасиз, билим бериш сифат ва самардорлиги ҳам ошиб бораверади. Бу ерда ҳам кўнглиларга замон талаблари асосида инновацион технологиялардан унумли фойдаланган ҳолда билим беришмоқда. Ўқитишда янги педагогик технологиялардан, мультимедия ва электрон дарсликлардан самарали фойдаланилаётгани таълим сифатини янада оширмоқда.

Бу борада инглиз тили ўқитувчиси Муҳаммад Азизханова, рус тилидан дарс берувчи Дилфуза Бобомуродова, бошланғич синф муаллимлари Наргиза Чинаова, Нилуфар Узоқова, Светлана Заржетскаянинг таълим соҳасида юқори натижаларни кўлга киритаётгани эътиборга сазовор.

– Даргоҳимизда “Оила-маҳалла таълим муассасаси” ҳамкорлиги янги йўлга қўйилган, – дейди мактаб директори Дилфуза Бобомуродова. – Бунинг натижасида мактабга аризулик ютуқларга эришиб келяпмиз. Даргоҳимиз шаҳар ҳокими раҳбарлигидаги 1-сектор ҳудудида жойлашган. Жамоамиз буни, зиммамизга юклатилган вазифаларни ҳис қилган ҳолда ишга масъулият билан ёндашмоқда. Юзага келган қўлаб муаммолар юзига ечим топаётгани бор гап.

Ушбу ўқув йилида 9-синф битирувчиларини 10-11-синфда ўқишни давом эттиришга жалб этиш ишлари муваффақиятли олиб борилади. Ҳозир 43 нафар 9-синф битирувчиси ўз хоҳиши билан 10-синфда ўқимокда. Албатта, бу борада мактаб жамоасининг оила ва маҳалла билан мустақам ҳамкорлик ўрнатгани ўз самарасини берди. Ота-оналар ўртасида тарғибот-ташвиқот ишлари узлуксиз давом эттириляпти.

Мактаб ўқувчилари ҳар йили аънавий ўтказиладиган “Билимлар беллашуви” танловида муваффақиятли иштирок этиб келади. Чунончи, бу йил 9-синф ўқувчиси Миржалол Кенжаев инглиз тили, Эъзо-за Иномжоннова эса немис тили фани бўйича танловнинг вилоят босқичи ғолибига айланди. Буларнинг барчаси ўз шогирдлари сифатли ва чуқур билим беришга интилиб келаётган устозлар меҳнати маҳсулидир.

Ашуралӣ БОЙМУРОДОВ.

ҲАММАМИЗ БИР ОДАММИЗ...

Сўз мулки султони Алишер Навоий “Насойим ул-муҳаббат” таърифида адиб Аҳмад Югнакийга шундай таъриф этади: “Дерларки, кўзлари битов эрмишки, асло зоҳир эрмас эмиш. Басир бўлиб, ўзга басирлардек андоқ эмас эрмишки, кўз бўлмай. Аммо бағоят зийрак ва закий ва зоҳид ва мутақий киши эрмиш. Ҳақ субҳонаху ва таоло агарчи зоҳир кўзин ёлук яратқондур, аммо кўнгли кўзин бағоят ёруқ қилқондур”. Мазкур юсуфак эътирофни қайд этишдан мақсад зоҳир кўзи ёлук, аммо қалб кўзи равшан бўлган юртдошларимизга азалдан алоҳида эҳтиром кўрсатилганини таъкидламоқдир. Бошқача айтганда, жисмоний имкониятнинг чеклангани киши тафаккурига, орзу-мақсадларига, муваффақиятларига тўсиқ бўлмайди.

Муносабат

Фикримизга исбот сифатида футбол бўйича ногирон-ампутантлар ўртасида ўтказилган жаҳон чемпионатларида терма жамоамиз аъзолари кетма-кет уч карра мутлақ ғолиблик кубогини кўлга киритганини айтиш мумкин. Қолаверса, 2016 йилда Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳрида бўлиб ўтган Паралимпия ўйинларида 176 мамлакат вакиллари орасида терма жамоамизнинг 32 нафар спортчиси 8та олтин, 6 та кумуш, 17 та бронза ва жами 31 та медални кўлга киритди. Ўзбекистон Осиёда Хитой ва Эрондан кейин учинчи, МДҲга аъзо давлатлар орасида Украинадан сўнг иккинчи ва Марказий Осиёда биринчи ўринни эгаллади. Алоҳида эътиборга молик жиҳати, спортчиларимиз олти марта жаҳон, етти та Паралимпия ва ўн иккита Осиё рекордини янгилашди.

Юқорида санаб ўтилган натижалар ўз-ўзидан пайдо бўлгани йўқ, албатта. Ўртимизда ногиронлиги бўлган шахсларнинг турмуш шароитини яхшилаш, уларнинг жамиятда ўз ўрниларини топишлари, ютуқларга эришишлари учун изчил ислохотлар амалга оширилмоқда. Давлатимиз мустақиллигининг ilk йилларидаёқ “Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонун қабул қилинган. Кексалар, пенсионерлар, ногиронлиги бўлган шахслар ва имконияти чекланган болаларга тиббий-ижтимоий ёрдамни ташкил этиш тизими яратилган. Аҳолининг эҳтиёжманд қатламларини манзилли ижтимоий ҳимоя қилиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида белги-

ланган. Лекин вақт, тараққиёт кутиб турмайди. Шу нуқтаи назардан қараганда, уларни қўлаб-қувватлаш борасида ҳам ривожланган давлатлар билан ҳамқадам яшаш юртимизда бир қатор ислохотларни талаб этади. Айни мақсадда жорий йилнинг 1 августидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ногиронларни давлат томонидан қўлаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармойиши эълон қилинди. Ушбу ҳужжат шарҳида қайд этилганидек, юртимизда туғма ва наслик касалликларни барвақт аниқлаш ва олдини олиш бўйича қўрилаётган чоралар қўтилган натижани бермаяпти.

Жумладан, жорий йил 1 январь ҳолатига 650 284 нафар шахс ногирон деб топилган, уларнинг 84 908 нафарини 16 ёшгача бўлган болалар ташкил этади. Уларга ҳар йили давлат бюджетидан 2,5 триллион сўм миқдоридан пенсия ва нафақалар тўланади.

Ўрганишлар соғлиқни сақлаш органлари томонидан ҳомиладор аёлларнинг 60 фоиздан ортиги скрининг текширишлари билан қамраб олинмаганини кўрсатилади. Касалликлар ўз вақтида аниқлангани оқибатида 3 минг 568 нафар бола туғма нуқсонлар билан дунёга келган.

“Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг 9-моддасида назарда тутилган ногиронларнинг кириши учун мослаштирилмаган ҳолда аҳоли пунктларини лойиҳалаш ва қуриши, транспорт воситаларини ишлаб чиқаришга йўл қўйилмаслиги ҳақидаги норма амалиётда

тўлиқ рўйбга чиқарилмаяпти. Ногиронларнинг спорт, маданият, таълим ва бўш вақтини мазмунли ўтказадиган бошқа ижтимоий объектлардан эркин фойдаланиши лозим даражада таъминланмаган. Имконияти чекланган болаларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказадиган махсус жойларни ташкил этиш бўйича ташаббус мавжуд эмас.

Шу сабабли, кўмакка муҳтож кишиларга тиббий-ижтимоий ёрдам бериш тизимини янада такомиллаштириш, ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш мақсадида Фармойишга мувофиқ, уларни давлат томонидан қўлаб-қувватлаш тизимини тубдан такомиллаштиришга қаратилган тақлифларни тайёрлаш бўйича комиссия ташкил этилди.

Комиссияга ногиронларнинг ижтимоий-ҳуқуқий муҳофазаси соҳасидаги қонунчиликни яхшилаш, камчиликлар ва коррупциявий омилларни аниқлаш нуқтаи назардан инвентаризация ва таҳлил этиш, жисмоний имконияти чекланган юртдошларимизни ижтимоий реабилитация қилиш, уларни касбга тайёрлаш, малакаларини ошириш бўйича тақлифлар киришти каби бир қатор долзарб вазифалар юкланди.

Давлатимиз раҳбарининг яқинда имзоланган “Ногиронлиги бўлган шахсларни давлат томонидан қўлаб-қувватлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони бу борадаги ишларни янада яхшилашга хизмат қилиши шубҳасиз.

Ҳар йили Халқаро ногиронлар кунини муносабати билан юртимизда жуда кўп хайрли ишлар амалга оширилади. Лекин, бизда ажододларимиз азалдан савоб ишни ҳар ким, ҳар кун киши киши раҳлигини уқитиришган. Эзгу ният, эзгу сўз ва эзгу амал билан яшаш эътиқоди уч минг йиллар муқаддам шакланган халқимиз жисмоний имконияти чекланган юртдошларимизга ҳаммаша эътибор қаратиб келган ва эҳтиёжмандларга ғамхўрлик асло қанда бўлмайди.

Шоира БОЗОРОВА,
“Тошкент ҳақиқати” мухбири.

КОМИССИЯЛАР ҲАМКОРЛИГИ

жойларда маънавий-маърифий соҳадаги ишларни янада такомиллаштиришга замин яратмоқда

Бугун маҳаллалар халқимизнинг чинакам кўмақдоши ва маслакдошига айланиб бормоқда. Боиси, дунёда ўхшаши йўқ, ноёб фуқаролик институти бўлмиш маҳалланинг вазифалари доирасига қирмайдиган соҳанинг ўзи йўқ. Жойларда маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш, ўсиб келаётган ёш авлод маънавиятини шакллантириш маҳалла фаоллари олдида турган муҳим вазифалардан-дир. Маҳаллаларда мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ижтимоий-иқтисодий ислохотлар, қабул қилинаётган қонун ҳужжатлари, давлат дас-турларининг мазмун-моҳиятини аҳолининг кенг қатламларига етказиш бўйича тарғибот тадбирлари ўтказилмоқда.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 3 февралдаги “Маҳалла институти янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонида белгиланган бўлган устувор вазифалар ижросини таъминлаш, Маънавият ва маърифат марказининг жойлардаги тузилмалари билан маҳаллалар фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича ҳудудий кенгашлар ўртасидаги ўзаро ҳамкорлиқни мустаҳкамлаш, фуқаролар йиғинларида маънавий-маърифий соҳадаги ишларни янада такомиллаштириш, бу борада Маърифат ва маънавият масалалари бўйича комиссиялар фаолиятини самарали ташкил этиш мақсадида 29 ноябрдан 2 декабргача вилоятнинг барча шаҳар ва туманларида ўқув-семинарлари ташкил этилмоқда.

Ана шундай тадбирлардан бири Пискент туманидаги 30-мусика ва санъат мактабида бўлиб ўтди.

“Маҳаллаларда маънавий-маърифий ишларни кучайтиришнинг ташкилий-ҳуқуқий механизми” мавзусига бағишланган мазкур мулоқотда туман ҳокимининг ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маъна-



вий-маърифий масалалар ҳамда хотин-қизлар бўйича ўринбосарлари, жамоат ташкилотларининг ҳудудий тузилмалари раҳбарлари, маҳалла фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича шаҳар ва туман кенгашларининг ижро аппаратлари ходимлари, маърифат ва маънавият масалалари бўйича комиссиялар раҳбарлари, маҳалла раисларининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари, умумтаълим мактаблари, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари директорлари ва уларнинг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосарлари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Амалий семинарда давлатимиз раҳбарининг қўриқда номи зикр этилган Фармони ҳамда шу йил 28 июлдаги “Маъна-

вий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтариш тўғрисида”ги Қарорининг мазмун-моҳияти ҳамда маҳаллалар билан маънавият ва маърифат марказининг жойлардаги тузилмалари ҳамкорлигини янада кучайтириш лозимлигига алоҳида эътибор қаратилди.

Шунингдек, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгаши бошқаруви ҳамда Маънавият ва маърифат маркази ўртасида имзоланган ҳамкорлик меморандумида белгиланган чора-тадбирларни маҳаллаларда изчил амалга ошириш, бу борада уларга услубий ва амалий кўмаклашиш тизимини шакллантириш лозимлиги таъкидланди.

Азизбек ХУДОЙҚУЛОВ,
Мансур ҲИММАТОВ
олган сурат.

МАҚСАД – МЕЪЁР ВА УЗЛУКСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ

Қиш мавсуми бошлангани билан қор ёғиб, об-ҳаво анча совиди. Табиийки, бу аҳолини иссиқликка бўлган эҳтиёжини янада оширади. Маълумки, иссиқлик етказиб бериш бевосита электр энергиясига боғлиқ. Шу боис, ҳар йили қуш-қуш мавсуми олдиндан ушбу соҳа корхоналарида кенг қўламли тайёрларли ишлари олиб борилади. Зеро, барча истеъмолчиларни меъёрида, узлуксиз электр энергия билан таъминлаш уларга катта масъулият юклайди.

Мавсум тадориги

“Тошкент ҳудудий электр тармоқлари корхонаси” акциядорлик жамияти жамоаси бунчи ҳис қилган ҳолда ҳар йили қишга ҳозирлик ишларини олиб боради. Жорий мавсум олдиндан бажарилган ишлар доирасида улар вилоятимиздаги беш юз саксон тўртта трансформатор пунктлари, 1 минг 818,5 километр электр тармоқларини мукамал таъмирлади.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг ўтган йил 23 ноябрдаги “2017-2021 йилларда паст

кучланишли электр тармоқларини янгилаш ва модернизация қилиш Дастури тўғрисида”ги Қарори бу борада муҳим омил бўлаётди.

Ўтган вақт мобайнида ушбу ҳужжат ижроси доирасида соҳада, хусусан, “Тошкент ҳудудий электр тармоқлари корхонаси” тизимида ҳам муайян ишлар амалга оширилди. Мисол учун, 0,4-6-10 кВ кучланишли 205 километрдан кўпроқ электр тармоқлари ҳамда ўттиз етти та трансформатор пунктда жорий таъмир-

лаш ишлари олиб борилди. Натижада, 2 минг беш юздан зиёд истеъмолчининг электр таъминоти яхшиланди. Ўн иккита трансформатор пунктда бошланган қурилиш-таъмирлаш ишлари якунланди. Амалга оширилган бу борадаги ишлар туфайли олти юз қирқдан кўпроқ янги уй-жойларда чироқ ёнди.

Айни кунда мазкур жамият ўзининг шаҳар ва туман филиаллари орқали 2 минг уч юз саксонга яқин йирик саноат корхоналари, 1 минг етти юз элик бешта қишлоқ ҳўжалиги истеъмолчилари, 2 минг беш юз саксондан ортиқ бюджет ва бошқа ташкилотлар ҳамда аҳолига ўрнатилган тартибда электр энергия етказиб беришмоқда.

Вилоятимизда электр тармоқларини таъмирлашга қаратилган ишлар изчил давом эттирилмоқда. Асосий мақсад – истеъмолчиларни электр энергияга бўлган талабини тўлиқ қондириш, меъёр ва узлуксизлиқни таъминлаш, хизмат қўрсатиш сифатини янада оширишдан иборатдир.

Ўз мухбири.



Пайшанба – жиноятчиликнинг олдини олиш ва профилактикада кунин

«МЕҲМОН»ЛАР МАҚСАДИГА ЕТМАДИ

Вилоятимиз ҳудудида жамоат тартибини сақлаш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, турли кўринишдаги ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш ва жиноятчиликнинг олдини олишга қаратилган кенг қамровли тадбирлар ўтказилмоқда.

Ички ишлар бошқармасининг тегишли хизматлари ҳамкорлигида ташкил этилаётган профилактик ва тезкор рейдлар доирасида турғи вақтларда бемақсад юрган, шубҳа уйғотган ёки ҳуқуқбузарлик содир этган фуқаролар билан суҳбатлар ўтказилаётди.

Шундай тадбирларнинг бирида Чирчиқдаги “Сетора” ҳамда “Кимёгар” меҳмонхоналари кўздан кечирилди. Текширувда айрим “меҳмон”лар бу ерга жинсий эҳтиёжларини қондириш мақсадида келгани аниқланди. Шунингдек, меҳмонхона мутасаддилари бу фуқароларни рўй-

хатдан ўтказмасдан хонага қўйгани ва уларга шароит яратиб бергани маълум бўлди.

Уларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодексининг тегишли моддаларига асосан баённомалар расмийлаштирилди.

«ВАЛЮТАФУРУШ» ҚЎЛГА ТУШДИ

Янгийўл туманида ноқонуний валюта савдоси билан шуғулланаётган «валютафуруш»нинг йўли тўсилди. Муқаддам судланган Р.Т. бир АҚШ долларини, 8 минг 150 сўмдан ҳисоблаб сотаётган вақтида қўлга олинди.

Маълумотларга кўра, 1967 йилда туғилган Р.Т. ўз таниши Б.А.га ноқонуний равишда 6 минг 500

АҚШ долларини 52 миллион 975 минг сўмга алмаштираётганида ушланган. Бу пуллар ва Р.Т. бошқарувида бўлган “Ласетти” автомашинасидан топилган 3 миллион 815 минг сўм дилийи ашё сифатида расмийлаштирилди.

Мазкур ҳолат юзасидан тезкор-суриштирув ишлари олиб борилмоқда.

ЖАҲЛГА ЭРК БЕРИБ...

Қуйи Чирчиқ туманида яшовчи Нигина Алиханова (исм-фамилиялар ўзгартirilган) оила-сига моддий томондан ёрдамлаш ишун қафга ишга қиради. Лекин, иш вақтида жаҳлга эрк бергани туфайли, оиласига даромад эмас ташиш келтирди.

Иш жойида 1987 йилда туғил-

ган Хурид Латипов билан жан-жаллашиб қолган 21 ёшли қиз рақибини яёб ўтирмай, қорнига ошхона пичоғини санчади. Оғир тан жароҳати олган йигит шун-да фохонага ётқизилган. Нигина Алиханова эса жавобгарликка тортилди.

З. АҲМАДОВ
тайёрлади.

Ҳурматли тадбиркорлар!

Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгаши Тошкент вилояти бўйича ҳудудий комиссиясининг қарори асосида вилоятда қиш ва хусусий бизнесни ривожлантириш, тадбиркор ва ишбилармонларни қўлаб-қувватлаш, уларга қулайлик, шарт-шароитлар яратиш мақсадида Тошкент вилояти бўйича Давлат архитектура-қурилиш назорати инспекциясида ҳар ойнинг биринчи сешанба кунини “Тадбиркорларни қўлаб-қувватлаш” ва “Ойиқ эшиклар кунини” ўтказилади.

Стандартлаштириш ва сертификатлаш масалалари, синав лабораторияси объектларини техник қўриқдан ҳамда қурилиш объектларини рўйхатдан ўтказиш ва тегишли рухсатномалар олиш, шунингдек, бошқа масалалар бўйича ҳар ойнинг биринчи сешанба кунини соат 9.00 дан 17.00 гача 241-40-25 телефон рақами орқали мурожаат қилишнинг мумкин.

Тошкент вилояти бўйича ДАКН инспекцияси манзили: Тошкент шаҳри, А. Қодирий кўчаси, 7-уй.

